# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «8» 6 2022-1554-1-22-ТВ-сон Пайтz ш.

Кейинги уринда «Буюртмачи» деб юритувчи Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси номидан низом асосида иш курувчи А. Абдужабборов бир томондан ва кейинги уринда «Пудратчи» деб юритилувчи «SHUKRULLO ISHONCH QURILISH» MCHJ низом асосида иш курувчи рахбари Д. Холжураев иккинчи томонидан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофик муассаса биноларини жорий таъмирлаш ишларига бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчига» ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган ишлар, эркин танлов натижасида аникланган ва эркин танлов комиссиясининг «_04_____» ____06_____ 2022 йил № 94177- сонли баёни билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархда 34500000 (Уттиз турт миллион беш юз минг) сум ташкил килади ва пул утказиш йули билан амалга оширади.

2.2. Ишлар киймати узил-кесил хал килинади ва кейинчалик кайта куриб чикилмайди, куйидаги холлар бундан мустасно:

- таъмирлашда енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб булганда;
- ишлар хажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» «Пудратчига» шартнома умумий кийматининг 30% микдорида олдиндан хак авансни пул утказиш йули билан тулайди яъни бу **10350000 (Ун миллион уч юз эллик минг)** сўмни ташкил этади. Колган кисмини яъни 70 фоизини ишлар бажарилгандан сунг Ф-3 га асосан 30 кун ичида тулаб берилиши лозим.

## 4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

_4.1. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» 1-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни объект лойиха-смета хужжатларига мувофик мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда бажариш хамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- объектда хавфсизлик техникасини таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2. «Пудратчи» мазкур шартнома буйича барча ишларни зарур тарзда бажарилиши хамда объектни фойдаланишга топшириш учун «Буюртмачи» олдида тулик мулкий жавобгар хиисобланади.

4.3. «Буюртмачи» томонидан 30% олдиндан хак тулангандан сунг «Пудратчи» ишларни 100% тулалигича **30** кун ичида «Буюртмачи»га топшириш мажбуриятин олади.

## 5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

_5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

Кўриб чиққан юрист: MAVLONOV MUXAMMADJON UBAYDULLAYEVICH. Ҳужжат рақами: BB1442325443

- мазкур шартнома имзоланиб газначилик булинмасидан руйхатдан утган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун объект лойиха-смета хужжатларини ярокли булган таъмирлаш жойини объектни таъмирланиши ва таъмирланиш тугагунча булган даврда далолатнома буйича «Пудратчига» бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада кайд этилган «Пудратчи» томонидан кайд этилган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, «Пудратчидан» тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## 6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

_6.1. «Буюртмачи» таъмирлаш жойида уз вакилини – техник аудиторини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан «Пудратчи» томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

6.2. «Пудратчи» узи томонидан таъмирлашда кулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

6.3. «Пудратчи» таъмирлаш жойини супуриб-сидиради ва озода саклайди, таъмирлаш даврида келиб чикадиган чикиндиларни «Буюртмачи» томонидан курсатилган жойга олиб чикиб ташлайди.

## 7. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАР

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бунда кисман ёки тулик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## 8. ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАНДАН СУНГ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ

_8.1. Таъмирлаш тугулланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибда мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан сунг, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларга биноан амалга оширилади.

## 9. КАФОЛАТЛАР

9.1. «Пудратчи» - барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаради ва ишлар тўлиқ бажарилиб топшириш қабул қилиш далолатномалари имзоланган вақтдан бошлаб 6 ой муддатга бажарилган ишлар учун кафолат беради;

- узи томонидан таъмирлаш учун кулланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифати, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, техник шартларига мувофиклигини;

## 10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

10.1. «Буюртмачи»:

- шартнома кучга кирганидан кейин таъмирлашнинг бошланиши «Буюртмачи»га боглик булмаган сабабларга кура «Пудратчи» томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирилганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга;

10.2. «Пудратчи»:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боглик булмаган сабабларга кура «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

10.3. Шартнома бекор килинганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи» кушимча карорига кура тугалланмаган молиялаштириш бир ой муддатда «Буюртмачи»га берилади, «Буюртмачи» бажарилган ишлар кийматини «Пудратчига» тулайди.

10.4. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма равищда билдиришнома билдиради.

10.5. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

10.6. Шартномани бир томонлама бекор килишга йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

_11.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган такдирда айбдор томон икинчи томонга етказилган зарарларни тулайди.

11.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, «Пудратчи» томонидан ишлар бажарилгандан сунг «Буюртмачи» уз вактида пулини утказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,4 фоиз микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

11.3. «Пудратчи» объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бажармаганлик учун «Буюртмачи»га мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизи микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

«Буюртмачи» ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш холати юзага келса, бажарилган ишлар хисобидан «Пудратчи»га амалга оширилиши лозим булган туловлар хисобидан ушлаб колиш хукукига эга.

## 12. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ

_12.1. «Пудратчи» мазкур шартномага илова килинадиган тулов жадвалига мувофик, олдиндан тулов аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.2. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган таъмирлашнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан этиборан **30** кунни ташкил этади.

12.3. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ғазначилик бўлимидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йилнинг “31“ декабрь кунига қадарли амал қилади.

## 13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар узаро хал эта олмасалар улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади.

## 14. АЛОХИДА ШАРТЛАР

_14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

14.2. Мазкур шартномага оид барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган булса хакикий хисобланади.

14.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган булиб хар бири бир хил юридик кучга эгадир.

## 15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| «П У Д Р А Т Ч И» | «Б У Ю Р Т М А Ч И» |
|---|---|
| Номи «SHUKRULLO ISHONCH QURILISH» MCHJ | Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси |
| Манзил Избоскан т | Манзил Пойтуг ш Шифокорлар к 1 |
| Тел:__998981902090_ | Ш.х/в: 400322860032147072130054002 |
| Банк Ипотекабанк Истиклол ф | ИНН: 200271386 МФО: 00014 |
| х/р: 20208000505113401001 | УзР Молия Вазирлиги Газначилиги |
| МФО: 00068 ИНН:_ 306653045 | Ягона Газна х/в: 2340 2000 3001 0000 1010 |
| Рахбар: ____________Д. Холжураев | ММ ББ ХККМ Тошкент шахри |
| | СТИР: 201 122 919 МФО: 00 014 |
| | рахбар______________ А. Абдужабборов |

RO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: BB1442325443

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

**№ FH01761226**

**1. Лойиҳанинг тури:** Хўжалик шартномаси.

**2. Лойиҳанинг номи:** Хақ эвазига хизмат кўрсатиш хақида.

Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси ва туман "SHUKRULLO ISHONCH QURILISH" МЧЖ ўртасида маъмурий бинони жорий таъмирлаш хақида.

**3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:**

Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022 йил 06 июнь куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

07.06.2022 йил

**Избоскан туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи :** **М.Мавлонов**